

Хўжаобод шаҳар

Амалдаги Низом асосида иш юритувчи, кейинчалик «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб юритилувчи номидан «ДАВЛАТОБОД МЕВАСИ» Ф-Х номидан иш юритувчи раҳбари М.Нумонов бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш юритувчи кейинчалик «ХАРИДОР» деб юритилувчи Хўжаобод туман Мактабгача таълим бўлими номидан бюджет ташкилоти раҳбари Н.Мирзакаримова иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» мазкур шартнома бўйича «ХАРИДОР» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги захира учун кишлоқ хужалик маҳсулотини етказиб бериш, «ХАРИДОР» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тарбида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Етказиб бериладиган, олинадиган маҳсулотларнинг шартнома тузиш вақтидаги тури, миқдори, нархи қуйидагича

| № | Маҳсулотномиси | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|----------------|---------------|---------|-------|------------------|
| 1 | Пиёз | кг | 12200 | 4490 | 54778000 |
| 2 | Сабзи | кг | 14600 | 3490 | 50954000 |
| | | | | | 105732000 |

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ ҚИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси (Бир юз беш миллион етти юз ўттиз икки минг) сўми ташкил этади.

2.2. Ҳисобкитоб «ХАРИДОР» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

2.3. «ХАРИДОР» етказиб бериладиган маҳсулотлар суммасининг 30 фоизини олдиндан аванс тариқасида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70 фоизини етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5. «ХАРИДОР» томонидан 30 фоиз миқдордаги тулов олдиндан амалга оширилгандан сўнг «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» шартномада қуратилган миқдорда ва нархларда давлат стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни «ХАРИДОР» етказиб беради.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «ХАРИДОР»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"ХАРИДОР" ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган товарларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиб олади.

"ХАРИДОР" томонидан товарларни ва тегишли хужжатларни (ҳисоб-фактура) қабул қилганидан сўнг, шартноманинг 2.4 бандига мувофиқ «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан туловларни амалга оширади.

3.2. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланиши ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини "ХАРИДОР"дан талаб қилиш;

Маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ «ХАРИДОР» буюртмасиномасига асосан белгиланган муддатларда ҳамда сифат ва миқдорда талабга жавоб берувчи маҳсулотларни етказиб бериш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

4.1. Шартнома қонун ҳужжатларини шартлари ва талабларига мувофиқ бажарилиши талаб қилинади.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «ХАРИДОР» ишлари берилган буюртманомада белгиланган муддатларини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»ни буюртманомада қуратилган сана бошланишидан қаида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктирилган ёки ўз вақтида етказиб берилмаган тақдирда «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «ХАРИДОР»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қиемининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган

Маҳсулотлар кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўлик бажаришдан ва маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиши ёки тўлик етказиб берилмаслиги оқибатида етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда «ХАРИДОР» «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлаётди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномадан аъза бўлишга қаратилган қўшимча шартлар қонунчиликда белги қилинган тартибда ҳал этилади.

5.4. «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан маҳсулотлар ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда «ХАРИДОР» уларни асосан равишда қабул қилмасе, қабул қилинмаган маҳсулотларни 5 фоиз миқдорида жарима тўлаётди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низолар нихал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

7.1 «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ва «ХАРИДОР» олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра табиий офатлар ёки енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича томонлар жавобгар эмас.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартнома «ХАРИДОР» ва «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан тасдиқлангандан сўнг Газначилик бўлини масида руйхатга олингандан кейин кучга қиради ва 2022 йил «31» декабрь қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманиннг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тухтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ўз-ўзидан содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада ва қилинган шахслар томонидан имзоланиши ва муҳрланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.



9.2. «ХАРИДОР» томонидан бошқа ҳужалик юритувчи субъект билан шундай шартномани тузиш натижасида ташкилот маблағи иқтисод қилиниши ёки ташкилотга бошқа томонлама фойда келтирилиши назарда тутилса «ХАРИДОР» мазкур шартномани бекор қилишга ҳақли.


9.3 Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманиннг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«ХАРИДОР»

| | |
|---|--|
| Етказиб берувчи | Харидор |
| Тақилотноми "ДАВЛАТОБОД МЕВАСИ" ф/х | Тақилотноми "Хўжаобод МТБ" |
| Манзил: Андижон вилояти Хўжаобод тумани | Манзили: Хўжаобод туман |
| TIFMILLIY BANK Андижонбулими | Банк номи: Марказий банк Тошкентшаҳри |
| МФО: 00074 | МФО 00014 |
| х/р 20208000205418072001 | х/р 100022560032367081100251003 |
| ИНН 303651114 | ИНН 305156008 |
| Раҳбар:  М. Нуроов | Раҳбар:  Н. Мирзақаримова |



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

FK1117767565

1. Loyihaning turi : Shartnoma


2. Loyihaning nomi:

“DAVLATOBOD MEVASI” F-X raxbari M.Numonov bir tomondan va Xujaobod tuman Maktabgacha ta’lim bulimi **nomidan byudjet tashkiloti rahbari N.Mirzakarimova** ikkinchi tomondan kishlok xujalik mahsulotini yetkazib berish yuzasidan umumiy bahosi **105732000** so‘mlik shartnoma

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Xo’jaobod tumani maktabgacha ta’lim bulimi tomonidan 29.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xo’jaobod tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:



S.B.RAXIMOV

29.11.2022

“Тасдиқлайман”

Хўжаобод туман мактабгача таълим

бўлими мудир:

Н.Мирзакаримова

2022 йил “ 29 ” 11

БАЁННОМА №13

Раислик қилувчи: Н.К.Мирзакаримова

Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими мудир

Қатнашувчилар: Комиссия аъзолари

Кун тартибида: Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги

давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йилларда куз

киш мавсумига кишлок хўжалиги махсулотларига захира қилиш

туғрисида электрон танлов натижалари

(Н.Мирзакаримова, Ш.Туреунов, А.Мамажонов, М.Рустамов, З.Ўрмонов, Н.Мирзакаримова)
Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ги 22 апрель 2018 йилдаги №684 Қонунига асосан харид қилинаётган товарлар (иш, хизматлар) махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирилган. 2022 йил 25 ноябрдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шакланган “Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йилларда куз киш мавсумига кишлок хўжалиги махсулотларига захира қилиш баённомасига асосан эълон якунига кўра Давлатабод меваси фермер хўжалиги ғолиб деб топилганлиги, харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилганлиги инobatга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ги қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 29 ноябрдаги баённомасига асосан Давлатабод меваси фермер хўжалиги ғолиб деб топилганлигини инobatга олиб ушбу ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари

Турсунов Шохмурод Сапарбекович _____ Бош ҳисобчи

Мамажонов Аббосбек Азамжонович _____ Иқтисодчи

Ўрмонов Зайнобиддин Холдарович _____ Эксплуатация бўлими бошлиғи

Рустамович Муқимжон Қосимович _____ Таъминотчи